"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Китоб туман ҳокими

______________ У.Б.Пардаев

# БУЮРТМАЧИ:

Китоб тумани ҳокимлиги маъмурий биносига қуёш электр стансияси ўрнатиш

Қашқадарё вилояти махаллий бюджетнинг "III чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан" Китоб тумани ҳокимлиги маъмурий биносига қуёш электр стансияси ўрнатиш

Китоб тумани-2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 майдаги "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ПҚ-276-сонли қарори асосида ишлаб чиқилади.

## 1.ТАНЛОВ ПЕРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Китоб туман ҳокимлиги томонидан, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Қашқадарё вилояти махаллий бюджетнинг "III чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан" Китоб тумани ҳокимлиги маъмурий биносига қуёш электр станцияси ўрнатиш учун малакали мутахасисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги киймати 330 000 000 (уч юз ўттиз миллион) сўм. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. **Ушбу танлов якунлари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Китоб тумани ҳокимлиги** (бундан кейин –"Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: *Китоб туман Мустакиллик шох кучаси 104 уй*

Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда "Буюртмачи" томонидан ўтказилган ва белгиланган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда булгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда Мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов передмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатла;
- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
- низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов передмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан литцензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талобгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- кайта таўкил этилиш, (ажратилиши, қўшилиш). Тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари-талабгор ташкилотлар танлов передметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқигш ва танлов твклифини тузиш учун буюртмачига (танлов твшкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга хақлидирлар.